



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2020 йил 25 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 27 [14.078]

Баҳоси эркин нарҳда

КИМЁ САНОВАТИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга оширилаётган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда соҳани модернизация қилиш, молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилди. Натيجида кимё тармоғи ўтган йилни 2018 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп фойда билан якунлади.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқат олдиға уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

Бу бежиз эмас. Чўнки мазкур тармоқда муаммолар, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, юртимизда ишлаб чиқариш мўмкин бўлган, мураккаб таркибга эга бўлмаган кимё маҳсулотлари четдан олиб келинмоқда. Экспорт структураси диверсификация қилинмаган, Бунда ҳанузгача минерал ўғитлар улуши жуда катта. Ишлатилаётган усунчалар 60 фоиз эскирган, энергия сарфи мезёрдан 2-3 баравар ортиқ.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самардорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди. "Рақамли технологиялар"ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавфли жараёнларда автоматлашти-

риш даражасини кўтариш муҳимлиги қайд этилди. Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурилиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобиль соҳасида, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хом ашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ишлаб чиқаришини тез мудатда лойиҳа қувватиға олиб чиқиш ҳамда иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Фаргонаазот" акциядорлик жамияти, Қўнғирот сода заводи ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида давлат улушини инвесторларға сотиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Кичик тоннажли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтириш, шу мақсадда "Навоийазот" акциядорлик жамиятида бўш турган майдонлар негизида ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил қилиш зарурилиги қайд этилди.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилиниб, ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш белгилаб олинди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири эса кимё соҳасидир.

Шу боис йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фанни такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, бунинг учун тадқиқотларнинг соҳа корхоналари эҳтиёжига ҳамоханлигини таъминлаш зарурилиги кўрсатиб ўтилди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтида мутахассислар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган масалалар ва соҳадаги истиқболли режалар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ушбу давлатлар нафақат Осиё, балки бутун дунёда, айниқса, юксак технологиялар соҳасида етакчи ҳисобланиши, кенг инвестиция имкониятларига эга эканини таъкидлаш жоиз.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мунтазам мулоқотлари туфайли Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, ҳамкорликнинг турли йўналишларида яқин алоқалар йўлга қўйилган.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очган самарали ташрифлар амалга оширилди. Хусусан, 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли хужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларға эришилди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани таъкидланди. Ўтган йил якунларига кўра Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ошди. Бугунги кунда юртимизда Кунчикар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги тақлифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 та

лоиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, "HIS" компанияси билан меҳмонхоналар қуриш, "Isuzu" ва "Itochu" билан "СамаАвто" корхонаси ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан Навоий иссиқлик энергия станциясида энергия блоклари (Навоий-3) қуриш бўйича ва кўплаб бошқа лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Йиғилишда икки томонлама турли тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон - Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурилиги таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, ўтган йил якуниға кўра икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилға нисбатан 27 фоизга, жумладан, экспорт 30,1 фоизга ошди. 2019 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

Кореялик шериклар билан биргаликда Тошкент шаҳрида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини қуриш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилаётгани таъкидланди. Тошкент вилоятининг Қйбрай туманида "Tashkent Farma Park" инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини яратиш ишлари бошланди. Мазкур лойиҳа илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, виварий, фармакопей марказини ўз ичига олган Фармацевтика техника университетини ҳамда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникасини ишлаб чиқариш учун саноат зонаси ташкил этишни назарда тутди.

Қишлоқ ҳўжалиги, ахборот-коммуникация

технологиялари, соғлиқни сақлаш, кимё, текстиль, электротехника, фармацевтика, зарғарлик саноати, таълим ва инновациялар ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишлари сифатида қайд этилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, яна 29,6 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020 - 2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик 10 та лойиҳа ўрганилмоқда.

Корея Республикаси Эксимбанки билан ҳамкорлик доирасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва биргаликда молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига 2 миллиард долларлик ресурслар жалб қилинди ҳамда 14 та стратегик муҳим лойиҳа амалга оширилди. Умумий қиймати 608 миллион долларлик 6 та лойиҳа устида иш бошланди.

Мутасар айтганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларға, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларға ошириш назарда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган "Йўл хариталари"да 2020 йилға белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурилигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, аниқ вазифалар белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИГА АСОС СОЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғуннинг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркия ташрифи қутилганидан ҳам самарали бўлди. Давлат раҳбарлари 19 февраль куни Анқара шаҳрида дастлаб тор доирада музокара ўтказди. Президентлар раислигида Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигиға оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойиҳалар юзасидан келишувларға эришилди.

Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёнот, шунингдек, иқтисодиёт, савдо, технологиялар соҳасига оид ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи кунида давлатимиз раҳбари Туркиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Туркия Президентини ҳузурдаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этди.

ЎЗА муҳбири ушбу ташриф ва унинг натижалари ҳақида туркиялик сийасатчилар, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда Ўзбекистон делегацияси аъзоларидан интервьюлар олди:

Лутфи ЭЛВАН, Туркия Буоқ миллат мажлиси ража-лаштириш ва бюджет ишлари бўйича комиссия раиси:

- Туркия ва Ўзбекистон Президентлари ҳамраислигида ўтган икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишида фан-таълим, соғлиқни сақлаш, саноат, қишлоқ ҳўжалиги каби кўплаб соҳаларда муштарак ишларни амалга оширишға келишиб олинди. Бу соҳаларда қатор келишувларға эришилди. Мен бу кенгаш йиғилишини юксак баҳолайман.

Туркия ишбилармон доиралари вакиллари билан муҳим учрашувда Шавкат Мирзиёев туркиялик тадбиркорлар билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг тақлифларини тинглади, мутасаддиларға бу борада аниқ топшириқлар берди. Ишбилармонлар ушбу йиғилишдан жуда мамнун бўлди.

Бугундан эътиборан, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг янги форматига асос солди. Ўзбекистон Туркистоннинг қадимий маркази, илм-маърифат ва маданият ўчоғидир. Ушбу ташриф доирасидаги учрашувлар қисқа даврда юртингизнинг туркий давлатлар ўртасида юксак тараққиётға эришишидан далолат берди. Биз бунга қатъий ишонамиз. Албатта, биз ҳам қараб турмаймиз, Ўзбекистонға керакли ҳар қандай ёрдамни аймаймиз.

(Давоми 2-бетда)

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Юртимизда илм, маърифат, санъат ва маънавият заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ҳамиша юксак қадрланади. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон халқаро ислом академиясида таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовнинг 80 ёшлик таваллуд санаси муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди.



(Давоми 2-бетда)

Шу муносабат билан мазкур зиё масканиға сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, диншунослар, талаба-ёшлар, хорижлик тадқиқотчилар тақлиф этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармониға мувофиқ, мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанни ривожлантириш, буоқ аллома ва мутафаккирлар меросини тадқиқ этиш, халқаро миқёсда тарғиб қилишдаги самарали меҳнати, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашға, чуқур билим ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлашға, ёшларни ватанпарварлик руҳида тар-

биялашға қўшган ҳиссаси учун Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Убайдулла Уватов "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Мукофотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Рустам Қосимов топширди ҳамда мамлакатимизда бой маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, ундан халқимиз, айниқса, ёшларни баҳраманд этиш, илм-маърифат, маънавият фидойиларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш янада юксак босқичға чиққанини таъкидлади.

ЎЗА

"Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси "Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси мазмун-моҳиятиға бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисиға Мурожаатномасида парламент олдида турган энг муҳим устувор вазифалар, шу жумладан, парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонулар ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Қонуни лойиҳаси Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида зарғарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳа 6 та боб, 51 та моддадан иборат. Ушбу қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, илмий ва ижтимоий-маданий манфаатларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси субъектларининг қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни казиб олиш, ишлаб чиқариш, улдардан фойдаланиш ва уларнинг муомалада бўлиши соҳасида шартномалар тузиш хусусиятларини белгилашдан иборат.

Амалда бўлган "Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва таъминлигини тўғрисида"ги қонуни фақат реализация қилишға мўлжалланган қиммат-

баҳо металллардан ясалган зарғарлик буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва таъминлашға бағишланган, - дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ботир Мардоев. - Шунингдек, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасини тўлиқ қамраб олмаган. Тақдим қилинаётган қонун лойиҳаси эса ушбу соҳада қимматбаҳо металллар ва тошларни казиб олишни, уларни аффижа қилишни, зарғарлик буюмлари асиллик даражасини белгилаш ва таъминлаш тартибини, давлат органларининг ваколатларини, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларға эғалик ҳуқуқларининг вужудға келишини таъминлайди. Шу билан бирға ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишға, шунингдек, соҳада руҳсат этиш тизимининг асосларини белгилаб беради.

Қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши республиканинг иқтисодиёт тармоқларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги фаолиятнинг амалга оширилишиға, қимматбаҳо металлларнинг эркин муомалада бўлишиға мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Ш.МАМАТУРОВА

XXI саҳоси

аср

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Гулистон шаҳридаги мухташам ва замонавий таълим маскани - Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод фонди" ҳомийлигида нашр этилган Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон "Танланган асарлари" ҳамда "Сайхун саболари", "Сирдарё мавжлари", "Сирдарёда улғувор ўзгаришлар" номли алманх китобларнинг тақдиротиға бағишланган адабий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.
- "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётган бўлиб, кўплаб янги

корхоналар ишга туширилди. Қувонарлиси, уларда меҳнат қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида бу ерда "Ёшлар маркази" ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси уюшмаган ёшларни касб-хунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш, иш берувчи талаб ва истақлари асосида малакали мутахассислар тайёрлаб беришдан иборат. Шунингдек, марказ ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат қилаётган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ташкил этмоқда.

● Наманган туманидаги 24-умумтаълим мактабида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус бўйича амалга оширилаётган ишлар кўргазмали тадбир воситасида намойиш этилди. Кўргазмали семинар давомида педагог мутахассислар бешта ташаббусни амалиётға таътиқ этиш ва натижаға эришиш омиллари хусусида фикр-мулоҳаза алмашди.

● Мудофаа вазирлигининг Термиз гарнизонидаги ҳарбий қисм ва муассасаларида шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун "Диний экстремизм ва терроризмнинг тинчлик ҳамда барқарорликға таъсири" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● БААда "фаррош" қушлар пайдо бўлди. БААнинг Абу-Даби шаҳри боғларида антиқа экологик ташаббус амалга оширилмоқда. Унинг доирасида тўтиқуш ва қарғалар боғларни майда чиқиндилардан тозалашға ўргатилди. Боғларни озода тутишға тўтиқуш ва қарғалардан иборат "Фаррошлар" гуруҳи киришди. Қушлар Barari Natural Resources ташкилоти томонидан майда чиқиндиларни тершиға ўргатилган. Ушбу ташкилот БАА пойтахтидаги 400 та қўқаламзор ҳудудға жабогар ва "Табиат бизни ўргатади" ташаббусини амалга оширмоқда. Қушлар шаҳар боғлариға чиқарилиб, чиқиндиларни тўғри утиллаштириш муҳимлигини ён-атрофдаги одамларға намойиш қилишади. Ташкилот ходимларининг таъкидлашича, қушларда сезги органларидан қуриш энг яхши ривожланган бўлиб, улар бу қобилиятлари эвазига кичик ўлчамли пластик чиқиндилар ва сигарет қолдиқларини пайкай оладилар. Хозирда қушлар пластик, қоғоз бўлақлари ва сигарет қолдиқларини аниқлашға ўргатилди. Қушлар кейинги босқичда чиқиндиларни турли контейнерларға саралашға ўргатилди. Дастурда ҳаммаси бўлиб 25 та қуш иштирок этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИГА АСОС СОЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Рифат ҲИСОРИҚЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТИГА АСОС СОЛДИ

– Президент Шавкат Мирзиёевни Туркияда кўриб турганимиздан жуда хурсанд бўлдим. Биз давлатингиз раҳбари билан учрашув ўтказдик. Ўзбекистон – бизнинг ота Ватанимиз. Турк ишбилармонлари сифатида, Туркияда амалга оширилган лойиҳаларни ота Ватанда-да ҳаётга татбиқ этишни истаймиш. Тўғриси айтганда, бугунги йўналишда муҳтарам Шавкат Мирзиёев бизга ишонч ва жасорат берди. Иншооллох, биз ҳам бу ишончга қўл қўйиб, бугунги учрашув ҳақиқатан ҳам жуда самимий ва очиқ бўлди. Ким қандай лойиҳаларни амалга оширишни истайди, қайси йўналишда ўз келажагини мамлакатингизда кўраётган – барчасини гаплашиб олди. Президент шу жойингиз ўзида тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Қолаверса, Ўзбекистон ҳукумати, фақат турк ишбилармонлари билан ишлаш учун 5 кишини ажратгани бизни жуда ҳам хурсанд қилди.

Бахит ЙИЛДИРИМ, “Гебзе” уюшган саноат зонаси бошқаруви раиси:

– Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан учрашганимдан бахтиёрман. Дунёда масалага бундай чўқур ёндашадиган, бир кунда кўп ишни битирадиган етакчилар жуда кам.

“Гебзе” махсус саноат зонаси 1986 йилда ташкил этилган. Унинг муваффақиятли фаолияти Туркиядаги бошқа саноат ҳудудлари учун яхши модель бўлган. Эндиликда дунёга ҳам чиқилди. Хорижий мамлакатларда 6 та лойиҳамиз бор. Навбатдагиси Ўзбекистонда бўлади. Бу биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки маданиятларимиз, интилишларимиз муштарак.

Президент Жаноби Олийлари Ўзбекистонда ҳужуқлик тадбиркорлар учун махсус қонунлар чиқарилиб, ҳужуқий асос яратилганини айтди. Энди биз инфратузилмани тайёрлаб, лойиҳани амалга оширишимиз зарур.

Ишонимизки, бу саноат зонаси хориждан сармоялар оқими кўпайишига, бошқа шундай зоналарнинг ривожланишига хизмат қилади.

Анвар ЮЖЕЛ, Бахчешехир университети васийлик кенгаши раиси:

– Ўзбекистонга тиббий таълим йўналишида сармоя киритмоқчиман. Президентингиз билан учрашувда бу ҳақда батафсил маълумот бердим. Етти давлатда университет очганимиз, 200 мингга яқин тиббиёт мутахассиси тайёрланганимиз. Айна йўналишда 52 йиллик таърибга эгамиз.

Ўзбекистонда, дастлаб Тошкент шаҳрида болалар боғчасидан тортиб, университетгача бўлган лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Университетимиз тиббиёт йўналишида фаолият олиб боради, унинг ёнида сифохона қурилади. Улар бир-бири билан боғлиқ бўлади, назария ва амалиёт уйғунлашади. Ушбу мажмуалар биноларини тез фурсатларда қуришга розилик олдик. Бир йил ичида ўз фаолиятимизни йўлга қўямиз.

Билгичан КУРУ, “Зираат банк” бош директори ўринбосари:

– Ўзбекистон банк-молия сектори билан бир неча йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаямиз. Ўзбекистонда тўртта филиалимиз бор. Келгусида улар сонини 10 га чамасан кўрсатдик. Фақат филиалларни кўпайтириш эмас, балки рақамлаштириш орқали профессионал банк хизматларини кўрсатиш режамиз бор. Одамлар уйдан туриб банк хизматларидан баҳраманд бўлади.

Ўзбекистонда турли лойиҳаларни молилаштириш, кел-

гусида қайси соҳаларга эътибор бериш биз учун жуда муҳим. Асосан қишлоқ ҳўжалиги, туризм, меҳмонхоналар қурилиши, ишлаб чиқариш соҳаларига кўпроқ маблағ ажратишни режалаштирганмиз. Бунинг учун давлатнинг ҳар томонлама қўмақ беришига тайёр экани бизни мамнун қилмоқда.

Айнан ТУҒЛИ, Туркия Президенти девони Халқ кутубхонаси директори:

– Туркия Президенти ҳузурдаги Халқ кутубхонаси Туркиянинг энг катта кутубхонасига айланди. Қурилиш ишлари тахминан уч йил давом этди. Кутубхонада 400 миңга босма адабиёт, айна вақтда 2 миллионга кўпроқ ва 2 миллионга даврий матбуот бор. Уқувчилар учун 350 мутахассис хизмат кўрсатади. Баъзи бўлимлар дам олиш кўниси, 24 соат давомида ишлайди.

Кутубхонада илмий изланишлар олиб бориш учун барча шароит бор. Мутулаа, гуруҳ билан ишлаш заллари ва кутубхона юраги деб атайдиганимиз Жаҳоннома зали мавжуд. Бу зал жаҳоннинг жуғрофий рами, буюк сайёҳ ва ёзувчи Челебининг “Жаҳоннома” асари тимсолидир. Залдаги 16 устун туркий халқлар бирлигини англатади. Залда 100 дан ортиқ мамлакатдан келтирилган 104 тилдаги китоблар жамланган.

Ўзбекистон Президенти бу борада ташаббус кўрсатиб, нодир китобларни кутубхонамизга совға қилганидан беҳад мамнун бўлдим. Келгусида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликни кучайтириб, ўзаро тажриба алмашиб, ноёб асарлар ва кўлэмаларни ўрганиш, бирликлда лойиҳаларни амалга ошириш ниятидამиз. Бу борада Ўзбекистоннинг бизга бу қадар эътибори кўноралидир.

Сардор УМРЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

– Анқарада ўтган Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилиши ва Туркия ишбилармонлари вакиллари билан учрашувдаги руҳ мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихида ҳали кузатилмаган. Давлатимиз раҳбари Туркия компаниялари билан алоқаларни ҳар томонлама мустақамлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳозир Туркияда сармоядорлар мамлакатимизга ўзлари инвестиция киритишни тақлиф қилапти. Улар биздан имтиёз ёки лойиҳаларни молилаштиришни сўрамапти, сармоя киритиб, маҳсулот ишлаб чиқариб, уни сотиб Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятига ҳисса қўшмоқчи.

Ўтган уч йилда Туркия билан ўзаро савдо айланмаси 2 баробар ошди. Жорий йилда бу кўрсаткичи 3 миллиард долларга етказиш кўзланган. Президентимиз яқин йилларда товар алмашувини 10 миллиард долларга етказиш учун барча имконият мавжудлигини таъкидлади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида преференциал савдо тизими тўғрисида битим имзолан мўлжалланмоқда. Ҳозир бу бўйича Туркиянинг тегишли вазирликлари билан иш бошланган.

Биз энди Туркия билан лойиҳадан – лойиҳага эмас, балки тизимли ёндашув асосида ишлаймиш. Мўлжалланган режалар кўп. Улар таъбиқ этилса, Туркия билан савдо-иқтисодий муносабатлар янада кенгайди.

Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси солиқлар ва ташқи савдо вазирлиги:

– Биз Туркия солиқини сақлаш вазири билан шартнома ва “Йўл харитаси” имзоладик. Шунингдек, Туркиянинг “НМГ” компанияси билан мамлакатимизда электрон солиқни сақлаш, рақамлаштиришни жорий этиш бўйича келишувга эришдик. Ушбу тизим жорий йилда Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳрида таъбиқ этилади. Келаси йилдан бошлаб бошқа вилоятларда жорий этилиши кўзда тутилган.

Мўҳим масалалардан бири – тиббиёт кадрларини тайёр-

лаш бўлиб, бу борада Туркиянинг Бахчешехир ва Медипол университетлари филиаллари ҳамда клиникаларини ташкил этиш бўйича музокаралар олиб борилмади. Ўтган йили Соғлиқ билимлари университети билан Бухорода 2 та таълим йўналиши бўйича қўшма факультет очилган эди. Мазкур университет билан янги таълим йўналишларини келишиб олдик. Шунингдек, Андижон ва Наманганда клиник лабораториялар, Термиз ва Урганчда туғруқ мажмуалари очиб бўйича шартномалар имзоланди. Бу каби лойиҳалар тиббиётни янги босқичда ривожлантириш, соҳада Туркиянинг илғор таърибаларини ўзлаштиришга хизмат қилади. Энг муҳими, ҳамкорлик лойиҳалари ҳар йили кўпайиб боради.

Адахм ИКРОМОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

– Мамлакатимизда ўтган икки йилда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ҳуқуқий тизим яратилди. “Инвестиция тўғрисида”ги қонун, янги Солиқ кодекси қабул қилинди, божжона тартиблари соддалаштирилди.

Тадбиркорга шароит яратилгани билан унда етарли билан бўлмаса муваффақиятли ишлаб кетолмади. Ўтган йили мамлакатимизда 93 миң тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам менежмент, бизнес юртишдан хабардор эмас. Шу боис биллими, замонавий фикрлайдиган, дунё билан “гаплашадиган” тадбиркорларни тайёрлаш ўта долзарб. Олий даражадаги стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши якунида Туркия Палаталар ва товар биржалари иттифоқи ҳузурдаги Иқтисодий ва технологиялар университети билан ҳамкорлик битими имзоладик. Битимга кўра, жорий йилда юртимизда ушбу университет филиалини ташкил этиш ва талабаларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ишбилармонлар билан учрашувда мазкур филиал иқтисодиёт, технология ва тадбиркорлик бўйича фаолият юртишишни, уни битирадиган ёшлар тайёр тадбиркорлар бўлиб чиқиши лозимлигини қайд этди. Туркия томонидан билан филиални ташкил этиш масаласи гаплашиб олди, жой ажратилгани маълум қилинди. Шубҳасиз, бу ислохотлар Ўзбекистонда малакали тадбиркорларни тайёрлаш билан бирга, яқин келажақда ўрта бизнес қатлами-нинг шаклланишига йўл очди.

Умида ТЕШАБОВА, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори:

– Давлатимиз раҳбари Анқара шаҳрида Туркия Президенти ҳузурдаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди. Бу Президентимизнинг китобхонликка қаратаётган эътибори, юртимиздаги маънавий-маърифий ишларнинг яна бир эътибори бўлди. Чунки ҳеч бир давлатда китобхонлик давлат сийосати даражасига кўтарилган эмас.

Бугунги кунда кутубхоналар мутулаа масканигина эмас, балки мулоқот ўрнатилган, йирик анжуманлар ўтказиладиган масканга айланди. Туркия Президенти ҳузурдаги Халқ кутубхонасига хорижий давлатлардан фақат Ўзбекистон Президенти тақлиф этилгани китобга, маърифатга интилиш халқларимизнинг қонида борлигини англатади. Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоғун кутубхонанинг очилиш маросимида бунга алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, ушбу кутубхонада халқимиз маънавий бойликлари билан китоблар ҳам сақланади. Бу Ўзбекистон тарихи, маданияти, санъати ва баъдий адабиётини хорижда кенг тарғиб қилишда муҳим воситадир.

ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ МАТНАЗАР ЭЛМУРОДОВ ЭЎИБ ОЛДИ

БАНК СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида “Open space” форматда “2020 йилда Ўзбекистон банк секторидagi ўзгаришлар” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Иқтисодиёт ва саноат вазири, Марказий банк ва бошқа банк вакиллари, аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари, тадбиркорлар қатнашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори Обид Ҳақимов ва бошқалар мамлакатимизда банк соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазкур секторни модернизация қилишда муҳим роль ўйнаётгани, бундай қулайликлар миҳозларга ҳар томонлама кенг имкониятлар бераётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда ҳусусий секторнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали банк секторидagi иштирокини кенгайтириш масалалари, ҳукумат томонидан мамлакат банк секторини модернизация қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш муҳимлиги аҳамият қаратилди.

Давра суҳбати сўнггида тижорат самарадорлигини ошириш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни шакллантириш мақсадида активларни тақсимлашни оптималлаштириш механизмларини ўз ичига олган банк ва молия секторини тизимли ўзгариштириш юзасидан фикрлар билдириб ўтилди.

Зарина РУСТАМОВА

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдуғофур Аҳмедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Фанлар академияси вице-президенти, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти директори Баҳром Абдуҳалимов, маҳалла ва оила масалалари вазири ўринбосари Содиқжон Турдиев ва бошқалар илм-маърифатни янада раванқ топтириш, олимларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу сай-харақатлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Устоз Убайдулла Уватов бутун умрини илм-фанга бахшида этган, миллий тарих ва манбашунослик фанига улкан ҳисса қўшиб келаётган олим, аждодлар меросини кенг тарғиб этиш, ёш авлод-ни баркамол инсон этиб тарбиялашда самарали меҳнат қилиб келаётган мураб-бийлардан.

Учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон Иномов, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров ва бошқалар заҳматкаш олимлар меҳнатини эъозлаш, уларга иззат-эҳтиром кўрсатишдек эзгу ишлар замирида янгиланаётган Ўзбекистоннинг чин маърифий қиёфаси бугунги кунда бутун дунёга яққол намоён бўлаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, профессор У.Уватовнинг илмий фаолияти педагогик, жамоатчилик, маънавий-маърифий ишлар, темир-шунослик, Имом Бухорийнинг илмий-маърифий мероси, ҳадисшунослик, Ўзбекистоннинг буюк алломалари илмий меросини ўрганиш, ноёб асарларни араб тилидан таржима этиш ва нашрга тайёрлаш, уларни халқимизга таништиришдек гоят мураккаб, серқирра, заҳматли ва айна пайтда шарафли жараёнда намоён бўлган. Олим асосан IX-XII асрларда юртимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг бой илмий мероси бўйича нодир қўлэмаларни мукамал ўрганиб, тадқиқотлар олиб борган моҳир манбашунос сифатида Ватанимиз ва хорижда ноом қозонган. “Урта Осиё олимлари қому-си”, “Ўзбекистон буюк алломалар юрти”,



“Буюк юрт алломалари” каби салмоқли тўпламлар ҳам олимнинг кўп йиллик ма-шаққатли меҳнати натижаси.

Убайдулла Уватов Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муъин Насафий ва бошқа кўплаб алломаларимиз ҳақида биринчилардан бўлиб ўзбек тилида илмий-маърифий рисоалар нашр этди. Унинг фаолияти ҳозирги кунга қадар давом этиб, 70 дан ортиқ мутафаккир боболаримиз, уларнинг ижоди ҳақидаги қимматли маълумотни ўзида жамлаган “Буюк юрт алломалари” китобига асос бўлиб хизмат қилди. “Мовароуннахр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожидида тугган ўрни (Бухорий, Муслим, Термизий)” мавзусидаги докторлик илмий ишида аждодларимизнинг мероси мукамал тадқиқ этилган. Илмий ишлари Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатларда нашр этилган олим ҳозирги кунда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори вазифасида самарали меҳнат қилмоқда.

– Илм-фан, маърифат ўз-ўзидан ривожланмайди, – деди фикшунос олим Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. – Юртимиз илм аҳлига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор мамлакатимизда учинчи

ренессанс даври муваффақиятли бошланганининг амалдаги исботидир.

– Буюк муҳаддиси Имом Бухорий ижоди оид илмий изланиш олиб боряпман, – деди эш тадқиқотчи Нўрможон Тўраев. – Устозим Убайдулла Уватовнинг заҳматкашлиги, фидойилиги, меҳнатсаварлиги, илм-фанга садоқати барчамиз учун ибратдир.

– Бугун ўзимни дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири, деб ҳисоблайман, – деди тарихчи олим, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Убайдулла Уватов. – Барчамиз тарихий янгилаш, шиддатли ривожланиш жараёнлари гувоҳи бўлмоқдамиз. IX-XII асрлар Мовароуннахрда тараққиёт палласи, Ҳадис илмининг олтин даври, деб ҳисобланса, бугунги кунларимизни ҳам янги Ўзбекистон тарихида олтин давр бошланган жараён, деб муболағасиз айтиш мумкин. Бундай самимий эҳтиром, илму маънавият ривожидидаги амалий гамҳўрлиги учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевдан чин оюрқдан миннатдорман.

Тадбирда олим фаолиятига тааллуқли китоблар, фильм намоиши бўлиб ўтди. Ҳамкасблар, олимлар, ёш тадқиқотчилар томонидан Убайдулла Уватовнинг кўп йиллик меҳнатлари, инсоний фазилатлари ёрқин ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамда қайд этилди.

Назозат УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми бўлиб ўтди. Видеоконференцадоқа режимда ташкил этилган йиғилишда Олий суд судьялари, жиноят, фуқаролик ишлари бўйича ҳамда маъмурий, иқтисодий, ҳарбий судлар раислари ва судьялари, Олий суд ҳузурдаги илмий маслаҳат кенгаши аъзолари, сенаторлар ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОАВ ЎЗАРО АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТДИ

Унда Олий суд Пленумининг “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қарор лойиҳаси судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Суд муҳокамаси ошқоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамятда ҳуқуқий билим даражаси ошишига имкон яратди. Одил судловни амалга оширишнинг муҳим қафолати ҳисобланади. Судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамят ишончини оширишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шу боис судлар суд муҳокамаси ошқоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотини олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозим.

Суд муҳокамаси ошқоралигини, фуқаролар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ вакилларининг судлар фаолиятига доир ахборотдан хабардорлигини таъминлаш бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда белги-ланган тартибда амалга оширилади.

Суд муҳокамаси ошқоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юртиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон бир тарзда аралаш-шига олиб келмаслиги лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-модда-сига кўра, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Судья суд қарорини қонуний қучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд ОАВда чиқиш қилишга ҳақли эмас.

ОАВ вакилларининг очиқ суд мажлисида маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инобатга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асос-ларга кўра суд мажлиси залига киришга тўсқин-лик қилишга йўл қўйилмайди.

Иш очиқ суд мажлисида кўрилаётганда шуни инобатга олиш лозимки, суд муҳокамасини фото-тасвирга тушириш, аудио ва видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, ОАВда трансляция қилишга фуқаролик ишини кўриш пайтида – фақат тараф-лар розилиги ва суд мажлисида раислик қилув-чининг руҳсати билан йўл қўйилади.

Жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни, маъму-рий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пай-тида суд мажлисида раислик қилувчининг руҳса-ти билан ОАВ вакиллари кирилади.

Процесс иштирокчилари, ОАВ вакилларининг илтимосномаларини қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини суд тарафларнинг фикрини эшитган ҳолда ҳал қилади ва бу ҳақда жойида ажрим чиқариб, суд мажлиси баённомасига ки-рилади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар эркин тарзда қайдлар қилишлари, стенограмма юртиш-лари, иқтисодий иш ёки маъмурий муносабат-лардан келиб чиққан иш кўрилаётганда, аудио-ёзув олиб боришлари мумкин.

Бундан ташқари, мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг ай-рим қарорларига ўзгариш ва қўшимчалар кири-тиш, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг айрим қарорларини ўз қучини йўқот-ган деб топиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Судлар иши тўғрисидаги кундалик ахборот билан таништириш учун суд биноларида маълумот-лар пештахтаси ёки шундай вазифа бажарадиган техник воситалар ўрнатилиши лозим. Унда суд-нинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида (уларнинг рўйхати), суднинг иш тартиби, ишонч телефони рақамлари тўғрисида, аризалар, тақлифлар ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида, судлар фаоли-яти тўғрисидаги ахборот бериш тартиби ҳақида маълумотлар берилади.

Жамоатчилик билан доимий алоқада бўлиши таъминлаш мақсадида судларнинг расмий вакил-лари ОАВ билан ҳамкорлик қилади.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, пленум қарор-ларининг қабул қилиниши судлар фаолиятида ош-қоралик, шаффоқлик ва қонунийликни таъминлай-ди. Суд ҳокимияти ва ОАВнинг ўзаро амалий ҳам-корлик ўрнатиши, шунингдек, низоларни тўғри ҳал этишда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқлан-диган манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қи-лади. Тадбир сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хонбиби МАҲАМОВА

“Дунёда турмоқ учун дунёвий илмларни ўрганмоқ лозим, замона илмидан бебахра халқлар ўзгалар оёғи остида поймол бўлур”, дейди маърифатпарвар бобокалонимиз Абдулла Авлоний.

ИЛМ ВА ТАРБИЯ СИФАТИ ЯНАДА ОШМОҚДА

Бу тахлитдаги ҳадислар, донолар бисотидаги қанотли ибораларни сон-санокис келтиришимиз мумкин. Сўнгги йилларда ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия сифатини ошириш бўйича Президентимизнинг қатор фармонлари чиқди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бўлғуси тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш, кўникмаларини сифатли эгаллаш бўйича қарорларига имзо чекилди. Олий таълим даргоҳлари – университетлар, академиялар, институтларнинг профессор-ўқитувчилари лицейлар, мактаблар ўқувчилари билан ҳамкорликда бир қатор учрашувлар ташкил қилинмоқда. Келажакимиз соҳиблари бўлган ёшларимизга касбий ориентация олишлари учун шароитлар яратиб бермоқдалар.

Жумладан, Тошкент Тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчиларидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таъбири академияси академиги, доцент Алижон Зоҳидий, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси, Турон Фанлар академияси академиги Кўтбиддин Нисомовлар жорий ўқув йили мобайнида пойтахт ва ёндош вилоятларнинг бир қатор мактаб ва лицейларида ўқувчи-ёшлар билан учрашиб, уларга бугунги кун олий таълим

муаммолари, истиқболлари, шифокорлик касбининг жозибалари ва ўзига хос жиҳатлари ҳусусида учрашувлар ташкил қилдилар. Ана шундай тадбирлардан бири Республика Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида Алижон Зоҳидий Юнусобод туманидаги 117-ўрта мактабда “Тиббиёт ва адабиёт уйғунлиги”, Маданият ва санъат институти талабалари билан эса “Тиббиёт ва санъат”, “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” борасида мазмунли суҳбатлар ўтказиб, талабаларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтардилар.

Олимлик, мураббийлик, адиблик, табиблик ва инсонийликни ажиб бир тарзда уйғунлаштира олган Тошкент Тиббиёт академиясининг профессор-ўқитувчиларини жонанжон мактабимизга тақдир қилиб, донолар бисотидаги жўяли фикрларидан баҳраманд бўлишни мактабимиз раҳбарияти билан амалга оширмоқчимиз. Зеро, олимлар – пайғамбарларнинг меросхўрлари эканлиги ҳадиси шарифларда келтирилиб ўтилган бўлиб, Президентимиз ўз чиқишларида аҳоли фаровонлиги яхшилаш, таълим-тарбия сифатини оширишга қаратилган ҳар қандай тақдир билан амалга ошириш шартлиги ҳусусида кўп маротаба айтиб ўтмоқдалар.

Розигул МИРЗАЕВА,
302-ўрта мактаб ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмасида жорий йилнинг 1-16 февраль кунлари Ҳиндистоннинг Харяна штатида ўтказилган “Surajkund Mela” 34-халқаро хунармандчилик фестивалида иштирок этиб қайтган хунармандлар билан учрашув бўлди.



Унда “Хунарманд” уюшмаси раҳбар ва ходимлари, фестивалда иштирок этган хунармандлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жаҳондаги энг йирик хунармандчилик фестивалида 60 мамлакатдан меҳмонлар иштирок этганлигини қайд этилди. Бу йил фестивалда Ўзбекистон шерик давлат қилиб танлаб олинган. Мамлакатимиз хунармандларига фестивалда амалий хунармандчилик, миллий санъатдаги ютуқлар, фольклор ва туристик жозибадорликни кенг намойиш этиш имконияти яратилди.

“Surajkund Mela” 34-халқаро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимида Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд иштирок этди. Президент ўзбек хунармандларининг маҳсулотлари билан та-

нишди. Йирик фестивалда хунармандларимиз фестивалда таъриф буюрган ҳар бир томошабинга ўзбек хунармандчилигини анъаналари, авлоддан-авлодга сақлаб келаяётган хунармандчилик мактаблари ва ўзларининг хунармандчилик маҳсулотлари ҳақида гапириб беришди.

Тадбирда таъкидланганидек, ушбу фестиваль маданий-гуманитар соҳадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, ўзбек хунармандларининг маҳсулотлари ва республиканинг сайёҳлик имкониятларини жаҳон бозорига оммалаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Йиғилишда фестивалда иштирок этган 23 нафар хунармандлар фестивал ҳақидаги таассу-

ротлари ҳамда ўз маҳсулотларига таъриф буюрувчилар томонидан қанчалик қизиқиш бўлганлиги тўғрисида сўзлаб бериб, Ҳукуматимиз томонидан уларнинг иштирок этишлари учун яратиб берилган имконият ва шароитлар учун миннатдорчилик билдирдилар.

Хунармандчилик фестивалида иштирок этган Навоий вилояти, Нурота туманида каштачилик йўналишида фаолият олиб бораётган каштачўз Феруза Амонова ва Фаргона вилояти, Маргилон шаҳрида қўлда газламалар тўқиш билан шугулланаётган Юсуфжон Мамаюсов фестивал кубогини қўлга киритдилар.

Учрашув якунида хунармандларга фестивалда фаол иштирок учун Уюшма томонидан сертификатлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мирзо Улғабек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида илмий-амалий семинар ўтказилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу семинар таълим тизимига инновацияларни жорий этиш натижалари ва истиқболдаги режалар мавзусига бағишланди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилган илмий-амалий семинарда таълим муассасалари раҳбарлари ва малакали педагог-ўқитувчилар иштирок этди.

Утган давр мобайнида таълим соҳасини ривожлантириш ва уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш мақсадига давлатимиз томонидан қатор ишлар олиб борилаётган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни изчил давом эттириш ва ривожланишни юқори чўққисига қиришга туртки бўлди.

Маъзур семинарни ўтказишдан мақсад таълим жараёнига жорий этилаётган инновациялар тақдимотини ўтказиш ва ўқувчи-ёшларни фанларга бўлган қизиқишини оширишдан иборат.

Тадбирда қатор инновацион курилмаларни амалда қўллаб, кўрсатиб берилди. Жумладан, ўқувчиларга аэрокосмик каби факультатив дарсларда қўлланиладиган замонавий VR BOX ускунаси; қимё, биология, физика ва информатика фанларида лаборатория ишларини виртуал тарзда ўрганишлари учун Хитой давлатидан олиб келинган “HOLOMAX” ускунаси; замонавий технология асосида дарс ўтишга мўлжалланган электрон доска ва интерактив панеллар; география фани ўқитишда QR-код орқали фойдаланиладиган инновацион дарслик; ўқувчиларга кубутоҳнада электрон дарслик ва бандий адабиётлардан фойдаланишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида “Q-BOX” инновацион курилмаси; астрономия фанида осмон jismlarini нуқатиш учун Meade LX600 телескопи ҳамда шу каби инновацион технологиялардан дарсларда самарали фойдаланиш кўрсатиб ўтилди.

Семинарда шунингдек, Тошкент ақл гимнастикаси интеллект

туал ўйини ҳақида маълумот берилди. Ундан нафақат ўйин балки ўқувчи-ёшларда ақлни чарқаш, математика, ментал арифметикани яхши ўзлаштиришга ёрдам бериши кўрсатилди.

Илмий-амалий семинар натижаларига қўра иштирокчилар орқали республикамизнинг барча таълим муассасаларида босқичма-босқич инновацион технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда шу орқали ўқувчи-ёшларни фанларга бўлган қизиқишларини ҳамда педагог-ҳодимларнинг маънавиятини ошириш кўзда тутилган.

Маъзур семинарда лаборатория ишларини виртуал тарзда “HOLOMAX” ускунасидадан фойдаланиш, электрон доска ва интерактив панеллардан ҳамда янги инновацион факультатив дарс сифатида замонавий VR BOX ускунасидадан фойдаланиш, Тошкент ақл гимнастикаси интеллект туал ўйинини тушунириш мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида улардан фойдаланишга ёрдам бериши таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ЁКИ ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Жамият тараққий этиб бораркан, муомаламизга янги тушунчалар, талқинларнинг кириб келиши табиий ҳол. Бугунги кунда гендер тенглик, гендер роллар, гендер муносабат каби жумлаларнинг қўлланиси одатий ҳолга айланди.

Келинг, шу тушунчалар таърифига тўхталиб ўтамиз: “гендер роллар – эркак ва аёл жинси билан боғлиқ равишда аъёнанинг кутилмағалга асосланган улар ахлоқининг намунаси”, “гендер муносабатлар – жамиятда эркак ва аёл ўртасидаги роллар, мажбуриятлари белгиланган муносабатлар”, “гендер тенглик эса нафақат эркак ва аёл орасидаги биологик фарқни ифодалаш, балки ишга жойлаштириш, таълим олиш, овоз бериш, ўз-ўзини рўйбга чиқариш ва ҳ.к. ларда тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш”, демакдир. Инсоннинг биологик моҳияти ўзгармай қолган бир вақтда унинг ижтимоий жинс сифатидаги роллари ўзгариши мумкин.

Эркак оилани таъминлайди, деган стереотип қараш бугунги кунда буткул аҳамиятини йўқотган. Чунки аёл ҳам эркак билан қийинчиликсиз бундан урдалиши мумкин бўлиб қолди. Биламизки, қадимдан эркак ўзининг физиологик имкониятлари, куч-қуввати билан оила боқувчиси, аёл эса уйдаги юмушларни бажарувчи бўлиб келган. Вақт ўтиши билан қарашлар ўзгарди, бугунги кунда аёллар эркаклар билан баробар тарзда оила боқибди, давлат ва жамият ишларида иштирок этишга эришди.

“Ташкилотимизга 6 ва 8 ёшли фарзандлари бор бир аёл мурожаат қилди. Оилада етишмовчилик бўлишига қарамай, турмуш ўртоғи “аёл уйда ўтириб, болалар парвариши билан шугулланиши керак”, деб уни ишлагани қўймаст экан. Лекин болаларни таъминлаш тўғрисида ортиқча уринмас экан. “Ажрашиб кета олмаймиз, чунки борар жойим йўқ”, – дейди аёл. Мутахассисларимиз билан йўл-йўриқлар кўрсатдик, аёл қувониб кетди”. Мен эса ўйланиб қолдим, ҳаётимизда ханузгача стереотиплар сақланиб қолган. Эркакнинг оилани ўзи тўлиқ таъминлай олмагани етмагандай, “аёл уйда ўтириши керак”, деган қараш болалар тақдирига, боринги, оиланинг парчаланишига олиб келиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмайдим. Масаланинг иккинчи томони – бу оилада аёлнинг эрига иқтисодий қарамлиги, демакки эркак ағлаб-англамай, билиб-билмай оилада иқтисодий зўравонликни қўллапти. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланган “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан “...зарур шарт-шароитлар билан таъминлашга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (харакатсизлик)” иқтисодий зўравонлик сифатида таърифланган. Ҳар қандай зўравонлик тегишли муассасалар томонидан муайян чора-тадбирларни қўллашни талаб қилади.

Бизда маҳалла – фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органлари етарлича катта куч ҳисобланади. Ҳатто хорридан таъриф буюрган мутахассислар ҳам бу органнинг иши, фаолиятини ҳамма ҳам ўзгалари билан белгилайди. Жамиятнинг бошланғич бўлини бўлиши оилага бевосита ёрдам кўрсатиш, бу борада мутахассисларнинг кўлига мурожаат қилиш ва ҳамкорлик асосида иш олиб бориш билан ижобий натижага эришиш, муаммони ҳал қилиш мумкин бўлади.

2019 йил 20 июлдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда эса “гендер тенглик бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай бўлишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик” белгиланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳам “бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз”, дея таъкидлаб ўтдилар.

Айтиш лозимки, ҳукуматимиз сайёҳлик ҳаракатлари билан қатор қонунлар қабул қилинган, амалдаги қонунларга замон тақозоси билан қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда. Бирок оила – ўз бошлиқлиги, аъзолари, бюджетини, ҳарajatлари эга бўлган кичкинагина мамлакат бўларкан, фаолиятим доирасида амин бўлдимки, ҳеч бир ташкилот, идора, муассаса ходимлари агар оила аъзоларидан бири ўз хоҳиш-истаги билан мурожаат қилмаса, унинг ичига киришга, муносабатларига аралашмишга ҳаққи йўқ экан. Шу нуқтага назардан, бизнинг дастлабки қиладиган ишимиз, оилада ўғил ва қиз болаларни тенг ҳуқуқлилик асосида тарбиялаш, кейинги эса вояга етган ёшларимизни масъулият олишга, масъулиятли оналликка тайёрлаш, онгли равишда оила қуришлари эришишдан иборат бўларкан. Шундангина оиланинг иқтисодий таъминланшига эришамиз, турли нурун келадиган оиланинг олдини оламиз, ўсиб келаятган авлоднинг гендер муносабатларига теран ёндашишга ўргатамиз. Зеро, ҳар бир ота-она “Фарзандларимиз бизнинг ортимиздан эмас, ёнимизда юрганга биз оруз қилгандан кўра юқори натижаларга эришинлар!” дея интилиб, яшайди.

Васила АЛИМОВА,
Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори,
тиббиёт фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТАБИАТ МУЗЕЙИГА САЁҲАТ

Барчамизга маълумки, музейларда сақланаётган ноёб экспонатлар орқали ёш авлодга миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тарбиялаш ва кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда музейлар фондиди бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ўзбекистон Давлат табиат музейи — энг кекса илмий-маърифий муассаса ҳисобланади. Илгари “Тошкент музейи” деб номланган бу муассаса 1876 йилдан табиатунолик, антропология ва этнография билан қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган эди. 1921 йилда музей, қадимги ёдгорликларни сақлаш, санъат табиат ишлари бўйича қўшимча тасарруфига ўтказилиб, Ўрта Осиё бош музей номини олди. 1930 йилда табиат бўлими, қишлоқ ҳўжалиги музейи ҳамда зоология боғи билан бирга Ўрта Осиё табиат музейи ва ишлаб қарши кучлари номини олди. 1935 йил январь ойида ушбу табиатнинг табиат шўъбаси Ўзбекистон Давлат табиат музейига айлантирилди. 1944 йилда Ўзбекистон Давлат табиат музейи бой илмий фондларни сақлайдиган муассаса сифатида Ўзбекистон ФАнинг тизимига ўтказилиб “Ўзбекистон Фанлар академиясининг табиат музейи” деб аталди. 1963 йилда Ўзбекистон ФА тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ихтиёрига ўтказилди ва “Ўзбекистон Давлат табиат музейи” деб юритила бошлади.

Маъзур музей бой илмий захирасига эга. Унда геология, ботаника, зоология ва энтомология коллекциялари мавжуд. Захира материаллари, биринчидан, музейнинг экспозицияларини тузиш ва тўлдирish учун бошланғич ва қўшимча материаллар бўлиб хизмат қилади. Музейнинг захира материаллари музей ташкил тошган вақтдан буён ўтган давр мобайнида йиғилган ва асосан республикамизнинг турли ҳудудларига музей тамонидан уюштирилган бир қатор экспедициялар натижасида келтирилган кўп миқдордаги тўпламларни ташкил этади. Музейнинг энтомология захираси музей ташкил тошгандан буён вужудга кела бошлади. Бу 350000 дан ортиқ ҳашаротлар намунаси бўлган Марказий Осиёдаги энг катта энтомология коллекциясидир. 1918 йилда А.А.Мель томонидан музейга инъом қилинган 1290 та намуналардан иборат бўлган тропик капалаклар коллекцияси ҳам катта аҳамиятга эга.

Зоология бўлимининг захирасида Ўзбекистон қизил китобига киритилган ноёб ҳайвонлар, қушлар, бақилар коллекцияси, шунингдек, хўл препаратлар сақланади. Музейнинг геология бўлимида Республикасимизнинг турли конларидан келтирилган минерал ва фойдаланиш қазилмаларининг коллекцияси бор.

1938 йилда А.П.Окладников Сурхондарёнинг Бойсун тоғидаги Тешиктош горидан тош қурулари ва 9 ёшли боланинг скелетини топди. Горда гулхан қолдиқлари, тоғ эчкиларининг суяк ва шохлари бор эди. Бу нарса Тешиктош неандерталларини ов билан шугулланганидан дарак беради. Антропологик тадқиқотлар натижасида машҳур олим М.М.Герасимов боланинг скелетини тиклади. Экспозицияда ушбу неандертал боланинг макети ҳолда сақланади. Сурхондарёнинг Зараўтсой тоғларидан кромантон типидagi одамлар чизган турли ҳайвонлар шакллари, уларнинг овчилик билан шугулланганидан дарак беради. Шунингдек, экспозицияда Навоий вилоятидаги Сармишсой ва Тошкент вилоятидаги Ҳўжакеңт ҳудудларидан топишган қадимги аждодларимиз тошга ўйиб ишланган расмларни ҳам кўриш мумкин.

Бундан ташқари, “Орол кеча ва бугун” деб номланган фото кўргазма Орол муаммосига бағишланди. Бу муаммо нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда турган долазарб экологик муаммодир. Музейга таъриф буюрувчи ҳар бир томошабинни ушбу кўргазма ўзига жалб қилмасдан қолмайди.

Музейнинг асосий мақсади ҳар бир томошабинни Ўзбекистон табиати, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асрашга ўргатиш, бойитиб бориш, яқиндан таништириш, қишлоқ ҳўжалигида эришилаётган илгор ютуқларни, табиатда бўлаётган ҳодисаларни, энг муҳими инсонларнинг табиатга бўлган меҳрини шакллантириш ва уларни табиатимизни асраб-авайлашга ўргатишдир.

Музейга қўйилган экспонатлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Шу сабаблар билан ерга келувчиларнинг сони ортиб бормоқда.

У.УРМАНОВА,
Ўзбекистон Давлат табиат музейи маркетинг бўлимининг мутахассиси

ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

Бугунги жадал техник тараққий эти, айниқса, ҳаётимизда янгидан-янги замонавий технологияларнинг кириб келаётганлиги боис, ҳар кунимиз ва лажаларимизни электр энергиясиз тасаввур эта олмаимиз.

Оддий мисол: компьютердан муҳим маълумотларни сайтга киритаётган айна пайтда тўсатдан чироқ ўчиб қолди, дейлик. Бунда нафақат ишимиз тўхтаб қолади, балки кайфиятимиз ҳам бузилади, вақт йўқотамиз, ишимиздаги самардорлик ва тезорликка ҳам путур етади. Демак, электр энергияси биз учун нафақат муҳим, балки қимматли ва керакли амалиётларни ўтатиш манбаи ҳамдир. Биз қаерда яшамайлик, электр энергиясидан фойдаланиш учун ўша ерда электр энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши шарт. Чунки электр энергияси манбаини ишлаб чиқариш, уни беҳуда сарфламаслик, ундан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир.

Агар электр энергияси тўловларини амалга оширмаслик ҳолатлари аниқланиб, бир ёки икки ой ўтиб кетган ҳолатдан ёки қорхона эгаси олдидан оғохлантирилди. Агар тўловлар яна амалга оширилмаса, шу жой электр таъминоти муассасаси ходимлари томонидан тўлов

амалга оширилгунга қадар узиб қўйилади. Агар бу ҳолат сурункали равишда давом этса, қорхона, ташкилот ёки тўловлари узлуксиз амалга оширилмаган ҳолатдан ҳўжалик судига топширилади ва тўловларни ундириш чоралари кўрилади. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароити ва аҳоли талаб даражасидан келиб чиқиб, электр энергиясидан тўғри, тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш кўзда тутилган ҳолда электр энергиясидан фойдаланишда ҳеч қандай имтиёз ва чегирмалар белгиланмаган. Демак электр энергиясидан фойдаланиш ҳамма учун бир хил ва тўловлар ҳам бир хил тарзда амалга оширилади. Агар янги уйга қўчиши, янги қорхона ва муассасанинг электр энергиясидан фойдаланиши учун электр энергияси ҳисоблагичларни ўрнатилган бўлса, бу албатта, истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

Дилшод ТАЛИПОВ,
“Ўзэнергоинспекцияси”
Тошкент шаҳар бўлими етакчи мутахассиси



ҒАМХҮРЛИКДАН НАЖОТ ТОПГАН КҮНГИЛАР

Хитойнинг Ухан шаҳрида пайдо бўлган ва кейинчалик айрим мамлакатларга тарқалган коронавирус инфекцияси дунё халқларини ташвишга солмоқда.

Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши профилактик тадбирлар халқаро тиббий-санитария талаблари асосида амалга оширилмоқда. Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан Россиянинг "Роспотребнадзор" хизмати тақдим этган коронавирус диагностикаси олиб келиниб марказий ва ҳудудий вирусология лабораторияларга тақсимлаб берилган, барча ҳудудий лабораторияларда ПЦР ёрдамида коронавирусни текшириш йўлига қўйилган.

4-5 февраль кунлари чартер рейслар орқали Ухан шаҳри ва Хитойнинг бошқа ҳудудларидаги Ўзбекистон фуқарolari юртимизга олиб келиниб, махсус тайёрланган тиббиёт муассасаларига жойлаштирилган эди.

– Уанда коронавирус тарқалгани ва одамлар вафот этгани ҳақидаги хабарларга аввал ўнчалик аҳамият бермадим, – деди Чэньжю шаҳридаги университет талабаси Камолддин Зулфқоров. – Аммо касаллик тез тарқалаётганини, мен ўқиган шаҳарга ҳам етиб келганини эшитиб, отанам, қариндosh-уруғларим хавотир олаётганини сезиб юртимизга қайтишга ошиқдим. Хитой аэропортини йўловчилар қаттиқ текширувлардан ўтказилаётгани, айримларини кўз ўнгимда махсус машинага солиб олиб кетишганининг гувоҳи бўлдим. Бу албатта одамни бироз эсанкиратиб қўяркан. Самолётдаги махсус тайёргарлик жараёнини кўриб эса энди бизни 14 кун давомида бир хонага қамаб қўйиш керак, дея ўйладим. Ўзимни худди жамиятдан ажралиб қолдигандек ҳис қилдим. Ҳаммаси яхши бўлди.

– Тошкент вилояти Қўнғир туманида жойлашган "Энергетиклар сикатгоҳи"да бизни шифокорлар очик чехра билан кўтиб олди, – деди Янчжоу университети талабаси Сарвиноз Ҳасанова. – Келишимиз биланок барчамиз тиббий кўриқдан ўтдик, керакли таҳлил намуналари олинди. Бу ердати шароит аъло даражада экан. Уч маҳал иссиқ овқат, витаминларга бой махсуслашган истеъмол қилдик. Турли спорт мусобақалари, дискотекалар ташкил этилди. Виртуал оламдан узоқлашиб, марок билан китоблар ўқидик. Қисқа фурсатда бизга меҳр кўрсатган, ғамхўрлик қилган тиббиёт ходимлари билан кадрдон бўлиб қолдик, дўстлар орттүрдик.

"Энергетиклар сикатгоҳи" МЧЖ директори Саъдулла Рўзметов ҳам 14 кун давомида керакли мухассаслар билан биргаликда карантинда, Хитойдан келган фуқароларимиз хизматиди бўлди.

– Карантинда биринчи марта бўлишим, – дейди С.Рўзметов. – Бошқа хизматчиларда бўлгани каби менда ҳам бошида бироз ҳадикшираш бор эди. Аммо бир-икки кун ўтиб, йигит-қизларнинг умумий хонатини кузатиб, уларнинг соғлом эканига ишонч ҳосил қила бошладик. Карантин давомида ушбу фуқароларимиз ҳар кун икки маҳал тиббий кўриқдан ўтказиб турилди. Карантиннинг охири кунда талабалар, ишчи-ҳодимларимиз, жами 250 одамни таҳлил натижалари олинди. Уларнинг ҳеч бирида коронавирус касаллиги аниқланмади. Бундан жуда хурсандим.

14 кун давомида карантинда сақланган 206 ҳамюртимиз бугун оиласи бағрига қайтиди.

– Очиги, Хитойда коронавирус инфекцияси тарқалганини эшитибок Янчжоу шаҳрида ўқийдиган қизимдан хавотир ола бошладим. Касаллик унга ҳам юқиб қолса-чи, дея қайғурдим, – деди УЗА муҳбирига жаззаклик Шарофат Ҳасанова. – Ҳукуматимиз томонидан махсус рейслар ташкил қилиниши эшитиб, кўнглим ёришди. Қизим юртимизга келгач, хотиржам бўлдим. Видеомониторларда сикатгоҳдаги шарт-шароитларни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Фарзандларимизга шунчалик ғамхўрлик кўрсатиб, эсон-омон бағримизга қайтаргани учун Президентимизга барча ота-оналар номидан миннатдорлик билдираман.

...Карантинда сақланган фуқароларни кузатиш жараёни. Талаба-ёшлар кўзидаги соғинч, гуворонч, шукроналик, миннатдорлик туйғулари беихтиёр бизга ҳам ана шундай қайфият берди.

"Келгусида олий ўқув юртини тамомлаб, юртимизга яхши мухтассис бўлиб қайтамиз ва Ватанимиз тараққиёти учун бор куч-ғайратимиз билан хизмат қиламиз". Ўзбек, рус, инглиз, хитой тилларида билдирилган ушбу миннатдорлик сўзлари оталарча ғамхўрликни ҳис қилган 206 талабанинг Президентимизга ёган таашқуруномасида битилган. Шу юрда туйилган, меҳр, эътиборни ҳис этган, қийин вазиятда қўллаб-қувватланган ёшларнинг қалб тубидан чиққан ушбу сўзларни эшитиб, қўзимизга ёш инди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 февраль куну ҳаво ўзағриб туради, куннинг иккинчи ярмида ёлғир ёғади. Шарқдан барча бўлалишини ўзағриган шамол секундида 5-10, кучайган ҳалда 15-20 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 8-10 даража илш, кундузи – 16-18 даража илш бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади, ифосланиш даражаси паст бўлади.

АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Сўнги йилларда замонавий ахборот технологияларини жамият ҳаётининг кўп қисмига жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Архив соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилга "Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном берилиши беҳизга эмас. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: "Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади".

Бугунги кунда архивларни компьютер техникаси ва махсус дастурий таъминотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунда архивда ҳужжатларни рақамлаштириш натижасида яратилган ахборот ресурслари сони ортиб бормоқда. Архив муассасалари фаолиятининг янги технологиялар нукта назаридан истиқболли йўналишларидан бири бу – электрон нусхаларни яратиш учун архив фонди ҳужжатларини рақамлаштириш. Ҳужжатларни рақамлаштириш – бу махсус техник воситалар ёрдамида қоғоз шаклдан электрон рақамли шаклга ўтказиш жараёни. Архив ҳужжатларини рақамлаштириш давлат томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши бу йўналишда ҳуқуқий пойдеворни мустаҳкамлади. Фармонда архив иши ва иш юритиш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини босқичма-босқич рақамлаштириш ва суғурта нусхаларини яратиш каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Рақамлаштиришни амалга ошириш шартлари ҳужжатларнинг ҳавфсизлигини ва тўлиқ сақланишини таъминлашдир. Архив ҳужжатларининг электрон нусхаларини яратишда фақат махсус мўлжалланган хонада архив ҳудудида рухсат этилади. Замонавий ҳаёт воқеликлари биздан янги ахборот технологияларидан

фаол фойдаланишни талаб қилмоқда. Ахборот асри тадқиқотчиларнинг архив манбааларидан фойдаланишда ўзгача йўналиш ва юқори самардорликни талаб қилмоқда.

Замонавий рақамли технологиялар муқобил сақлаш майдончасини яратиш бўйича энг глобал гоьларни амалга оширишга имкон беради. Архив ҳужжатларини рақамлаштириш бу маълумотларни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун энг қулай воситадир. Бу ҳавфсиз ва тежамкор сақлаш, қулай қидириш ва фойдаланиш имкониятини беради. Ҳужжатларни рақамлаштириш жараёни ягона электрон фойдаланиш фондиди шакллантириш гоьсига асосланади. Электрон фойдаланиш фонди рақамли архив ҳужжатларида сақланадиган ва асл ҳужжатлар ўрнига ишлатилиши мўлжалланган архив ҳужжатларининг электрон нусхалари тўпламидир. Ҳужжатларни рақамлаштиришнинг асосий давоми бўлган фестиваль-танлов ҳафталик шаклда ташкил этилиши белгиланган. Унинг доирасида 6 танлов ва фестиваль ўтказилади.

"Ватани мадҳ этиш олий саодат" шiori остида хор жомалари ижросидаги кўрик-танлови 25 февралдан бошлаб умумтаълим мактаблари, Меҳрибонлик уйлари ва имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари ўртасида ўтказилади. Кўрик-танловда "Ватан ва бахор" ҳақидаги қўшиқлар ижро этилади.

"Ёшлик рақси" кўрик-танлови 1 мартдан бошланади. Унда юқори синф ўқувчиларидан иборат умумтаълим мактаблари рақс тўғрақлари аъзоларининг 6 нафари (3 нафар ўғил бола, 3 нафар қиз бола) қатнашади. Кўрик-танловнинг мамлакат босқичи Андижон вилоятида ўтказилади.

"Болалар спартакиадаси" миллий ва харакатли спорт ўйинлари бошланиши 25 февралга мўлжалланган бўлиб, умумтаълим мактабларининг 7-11-синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилади. Унда миллий ва харакатли ўйинлар намоиши этилади.

"Ёш китобхонлар" кўрик-танлови эса 1 мартдан бошланади. Республика Бо-

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ – 2020 ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ АТЛЕТЛАРИМИЗ УЧУН МУВАФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осие чемпионати якунланди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси ҳамда Осие оғир атлетика федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада қитъамизнинг 30 дан ортиқ давлатидан келган 200 нафарга яқин атлет иштирок этди. Ушбу мусобақа спортчилар учун қитъа чемпионлиги билан биргаликда Токио Олимпиадаси йўланмалари учун қимматли рейтинг очколарини ҳам тақдим қилди.

Терма жамоамиз мусобақа якунига кўра ёшлар тоифасида ҳам йигитлар, ҳам қизлар, ўсмирлар классификациясида эса йигитлар ўртасида очколар бўйича энг яхши жамоа, дея қайд этилди. Яна бир хижат,

турнир давомида ўсмирлар ўртасида 6 та жаҳон рекорди ўрнатилди ва янгиланди.

Ёшлар ўртасида ўтган чемпионатда йигитларимиз 3 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медалларини кўлга қиритган бўлса, қизларимиз 13 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалларини жамғарди. Ўсмирлар ўртасидаги ўғил болалар ҳақида полвонларимиз 7 олтин, 11 кумуш ҳамда 6 бронза медалини терма жамоамизга келтирган бўлса, ўсмир қизларимиз 9 тадан олтин ва кумуш ҳамда 3 бронза медалини термаимиз ҳисобига қўшиб қўйди.

**Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
УЗА муҳбири**

ҲЕЧ ҚАЧОН УМИДИНГИЗНИ ЙЎҚОТМАНГ!

**Сарлавҳадаги сўзлар
Тошкент шаҳар ИИББ
ташаббуси билан Тошкент
шаҳар прокуратураси, шаҳар
Маданият Бош бошқармаси
ва пойтахт Ўзбекистон ёшлар
иттифоқи кенгаши вакиллари
билан ҳамкорликда Тошкент
вилояти Зангиота туманида
жойлашган ахлоқни тузатиш
муассасасида жиноят содир
этган аёллар учун ташкил
этган тадбирнинг асосий
мазмунига айланди.**

Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси Ёшлар масалалари бўйича катта инспектори, подполковник А.Очилов ҳамда шаҳар прокурорининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси С.Сайдиқонова ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз муурожаатида хато қилган ҳар қандай инсон ҳар доим ҳаётини янгидан бошлаш имкониятига эга эканлигини таъкидлаб, келгусида давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам уларга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканлигини айтди.

Шу билан бирга, жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққанидан сўнг оиласи ва яқинлари бағрига қайтишга қарор қилган шахсларга берилаётган ёрдам ва имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Янги тадбиркорлик соҳасида иш юритмоқчи бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, ўзи танлаган касбга эга бўлиши ва келгусида иш билан таъминланиш имкониятлари ҳақида сўхбатлашилди ҳамда бунга мисол қилиб, Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари томонидан пойтахт туманларида мунтазам равишда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари ҳақидаги маълумотларга тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, учрашув давомида иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоблар, ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди ҳамда тадбир сўнгида санъаткорлар томонидан ўқилган шеърлар, ижро этилган куй-қўшиқлар барчага кўтаринки қайфият бағишлади.

Ҳожиакбарҳўжа МАҲМУДОВ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги томонидан жорий йилнинг февраль-
март ойларида "5 ташаббус Наврўзда"
фестиваль-танлови ўтказилади.**

БЕШ ТАШАББУС АСОСИДА ЯНГИ ТАНЛОВ

Тадбир Президентимизнинг ўқувчи билан ишлаши самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш, ўқувчи-қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусини амалга ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

2019 йил октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган "Умумтаълим мактабларида 5 ташаббус" фестивалининг мантиқий давоми бўлган фестиваль-танлов ҳафталик шаклда ташкил этилиши белгиланган. Унинг доирасида 6 танлов ва фестиваль ўтказилади.

Тадбир Президентимизнинг ўқувчи билан ишлаши самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш, ўқувчи-қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусини амалга ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

2019 йил октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган "Умумтаълим мактабларида 5 ташаббус" фестивалининг мантиқий давоми бўлган фестиваль-танлов ҳафталик шаклда ташкил этилиши белгиланган. Унинг доирасида 6 танлов ва фестиваль ўтказилади.

"Ёшлик рақси" кўрик-танлови 1 мартдан бошланади. Унда юқори синф ўқувчиларидан иборат умумтаълим мактаблари рақс тўғрақлари аъзоларининг 6 нафари (3 нафар ўғил бола, 3 нафар қиз бола) қатнашади. Кўрик-танловнинг мамлакат босқичи Андижон вилоятида ўтказилади.

"Болалар спартакиадаси" миллий ва харакатли спорт ўйинлари бошланиши 25 февралга мўлжалланган бўлиб, умумтаълим мактабларининг 7-11-синф ўқувчилари ўртасида ташкил этилади. Унда миллий ва харакатли ўйинлар намоиши этилади.

"Ёш китобхонлар" кўрик-танлови эса 1 мартдан бошланади. Республика Бо-

лавлар кутубхонасининг facebook.com ижтимоий тармоғидаги саҳифасида саволлар кўриб борилади. Кўрик-танлов шартига кўра 60 номдаги бадиий адабиётлар мўлага учун уйга вазифа қилиб берилади.

"Қизларнинг" кўрик-танлови 25 февралдан шарт берилади. Кўрик-танловда 5 ўқувчи-қиз 5 ташаббуснинг ҳар бири йўналишидан иборат шартлар, яъни "Мен истеъдодман", "Спорт маликаси", "Техно ташаббус", "Китобнинг дўстим", "Даромадли ошхона" бўйича беллашди.

"Обод мактаб" экологик танловда 5 лойиҳа ва акция ташкил этилади. 1 мартдан бошлаб мактаблар ободлаштирилади ҳамда ўқувчилар дархотларга шакл бериб, парваришлайди. Шунингдек, маъруза танлов доирасида "Меҳрли гуллар", "Ўқувчилар боғи" лойиҳалари, "Табиятнинг дўстиман" акцияси, "Ҳашар наволари" медиа танлови ўтказилади.

Фестивалда ҳудудларда жами 2,6 миллион ўқувчи-ёш иштирок этиши кутулимоқда. Мамлакат босқичида 700 га яқин кўвчи ва ўқувчуларни қолдириб учун курашади.

Ҳалик бўлган ўқувчи, ўқитувчилар ҳамда таълим муассасаларига мусика хижозлари, спорт инвентарлари, компьютер, медиа хижозлар, бадиий адабиётлар ва ошхона анжумлари совға қилинади.

Фестивалда жараёнидаги ҳақидаги маълумотларни facebook.com ва telegram ижтимоий тармоқларида ташкил этилган "5 tashabbus maktabda" гуруҳи ва каналда кузатиб бориш имконияти мавжуд.

УЗА

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи томонидан 2014 йилда Мирхайдарова Зилола Рустам қизи номига берилган К № 3528439, рўйхат рақами 216 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	"TRANS GAZ LOYIHA" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	Тошкент давлат техника университети томонидан 2016 йилда Миршарипова Ифтихор Улуғбек ўғли номига берилган № 1746 рақамли рейтинг дафтрасини йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	Тошкент архитектура ва қурилиш институти томонидан 1995 йилда Саманов Аманбай Қурбанович номига берилган № 001524 рақамли, рўйхат рақами № 3222 в диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ	Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2016 йилда Шербатаева Феруза Ибрагимовна номига берилган № 858337 рақамли (11720-рўйхат рақамли) диплом кўчирмаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
--	--	--	---	---

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биржа савдоларига тақлиф этади.

"TOSHKENT" РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакети тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Эмитент номи	Устав фондидаги давлат улуши, фоиз	Дастлабки биржа савдоларининг бўлиб ўтиш санаси	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	Эмитентнинг устав фонди микдори, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	"ORGRES" АК	5,84	25.03.2020	38 933	1 484 215 040	902 255 894

Қўшимча маълумотлар учун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" АЖга муурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Муस्ताқиллик кўчаси, 107-уй. Телефонлар: 267-35-20, 267-35-24, 267-35-41. E-mail: ndvakt.uz
Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон: 71 259-22-29, 71 259-22-35. Биржа савдоларида иштирок этинг.